




МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№12 (94) 19.03.2020 йил

Долзарб мавзу

Президент коронавирус билан боғлиқ вазият бўйича халққа мурожаат қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни маҳалла ва оила масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишининг бошида коронавирус муаммосига тўхталиб ўтди.

Бугунги кунга келиб ушбу хавфли инфекция 160 дан ортиқ мамлакатда тарқалди. Дунё миқёсида касалланганлар

сони 190 минг нафарга етди, 7,5 минг ўлим ҳолати қайд этилди, 81 мингдан зиёд бемор тузалди. Эпидемия кенг ёйилиб кетгани сабабли Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уни пандемия деб эълон қилди.

Минг афсуски, бу юқумли хасталик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Бугунги кунда юртимизда унга чалинган беморлар

сони 15 нафарга етди.

Мазкур вазият олдиндан тўғри баҳоланиб, Президентимиз топшириғига мувофиқ Республика махсус комиссияси тузилган эди. Шу боис Ўзбекистонга касалликнинг оммавий кириб келиши ва кенг тарқалишининг олди олинди.

Давоми 2-саҳифада >>

Ушбу сонда

Анъанавий халқ байрамлари ва сайллари

4-саҳифада >>

Маҳмуд Тожибоев: “Ўз кадриятинг устидан кулишга ҳаққинг йўқ”



5-саҳифада >>

“Янги кун” тарихи



8-саҳифада >>



Вазирлик тасарруфидаги муассасалар ҳам карантинда

Маданият вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари, академик лицейлар, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари, мактаб-интернатлари, болалар мусика ва санъат мактаблари ҳамда маданият марказларида коронавирус карантини бўйича чора-тадбирлар кўрилади.

Олий таълим муассасалари, академик лицейлар талабалари ва ўқувчилари таътилга чиқиши муносабати билан таълим муассасалари кафедраларида профессор-ўқитувчиларнинг 50 фоизгача ва бошқа ходимларнинг функционал вазифалари ҳамда тоифаларидан келиб чиққан ҳолда бир қисмига Меҳнат кодексига белгиланган навбатдаги меҳнат таътили ҳисобидан талабалар таътили даврида меҳнат таътили бериш тавсия этилади.

Меҳнат таътили бериладиган таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва ходимлари тоифасига, биринчи навбатда, вояга етмаган фарзандлари бўлганлар ҳамда катта ёшдагилар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларга ижодий таътил бериш масалалари кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Меҳнат таътилига чиқмайдиган профессор-ўқитувчиларни:

таълим муассасаси (факультет, кафедра)нинг ўқув методик хужжатларини такомиллаштириш; таълим муассасасининг ўқув жараёнини кредит-модул тизимига ўтказиш бўйича тегишли хужжатларини тайёрлаш;

ўқув жараёнининг масофавий шаклини жорий этиш мақсадида фанлар бўйича электрон ўқув ресурсларини ишлаб чиқиш;

илмий-тадқиқот ишларига (илмий мақолалар, дарслик ва ўқув қўлланма ёзишга) жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Режали илмий-тадқиқот ва методик ишларнинг масофавий (турар жойдан) бажарилишига ва назорат этилишига шaroит яратиш лозим.

Таълим муассасаларида мажлислар сонини

кескин чеклаш ҳамда иштирокчилар сонини 10–15 нафардан оширмаслик талаб этилади.

Хужжатлар ҳаракатининг максимал равишда электрон шаклга ўтказилиши таъминлансин.

Муассасаларо таълим ва ички оммавий тадбирлар ўтказилишига йўл қўйилмасин.

Бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирлар, мажлисларга профессор-ўқитувчилар ва ходимларни ваколатли ташкилот раҳбарининг расмий қарори (буйруғи) бўлмаган ҳолда жалб этиш тақиқланади.

Юқорида белгиланган вазифалар ижроси бўйича таълим муассасаларининг раҳбарлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

Шунингдек, вазирлик тасарруфидаги ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари, мактаб-интернатлари ҳамда болалар мусика ва санъат мактабларининг ўқитувчилари ҳамда концертмейстерларига 2020 йилнинг 18 мартдан Меҳнат кодексига белгиланган навбатдаги меҳнат таътили ҳисобидан ўқувчиларнинг таътил

вакати меҳнат таътили бериш тавсия этилади.

Болалар мусика ва санъат мактабларида таълим олиш учун тўланадиган тўловларини ўрнатилган тартибда қайта ҳисоблаб чиқиш тавсия этилади.

Барча таълим муассасалари раҳбарларидан ўқув даргоҳларида тозалик ва дезинфекция тадбирларини кучайтириш, таълим масканларидаги тиббиёт хоналарини зарур тиббий асбоб-ускуналар, зарарсизлантирувчи воситалар ҳамда дори-дармонлар билан таъминлаш чораларини кўриш талаб этилади.

Шунингдек, Маданият вазирлиги тасарруфидаги барча маданият муассасаларидаги ижодий тўғарақлар ҳам вақтинча ўз фаолиятини тўхтаатади.

Ҳаммадан ортиқча ваҳимага берилмай, эҳтиёткорлик чораларини кўриш сўралади.

Озодбек Назарбеков,
Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазири

Долзарб мавзу

Баҳор ойининг бир куни аёллар иди — байрами қилиб белгилаб қўйилсин. (“Авесто”дан)

Бирор бир ишга баҳо бериш учун уни ўзимиз қила билишимиз зарур. (Аристотель)

Бойлиқни топишибди-ю, ақл-идроқни йўқотишибди. Ажабо топган нарсалари билан йўқотган нарсаларининг баҳоси бир хилмиди? (Абу Али ибн Сино)

«Бешта ташаббус»
Ўқувчилар нигоҳида



“Аёл борки,
олам
мунаввар”



Андижон вилояти Марҳамат туманига қарашли 32-умумтаълим мактабида 7 март куни Маънавият ва маърифат бўлими ҳамда бошланғич хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан “Аёл борки, олам мунаввар” номли театрлаштирилган тадбир ўтказилди. Вилоят театрларида фаолият олиб бораётган мутахассислар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда бир неча саҳна кўринишлари

ўзига хос тарзда кўрсатилди. Мактабнинг 8-11-синф қизларидан ташкил топган жамоа ҳам бешта ташаббусда кўрсатилган театр, мусиқа, китоб мутолааси, технологиялар билан боғлиқ кўринишлар, аёллар бандлигини таъминлаш бўйича томошаларни тақдим этдилар. Умумтаълим мактабларида маданият ва санъат соҳаларини янада ривожлантириш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли

ўтказишга қаратилган бу каби тадбирлар, маданият тизими билан амалга оширилган ҳамкорлик жамиятда театр, мусиқа, рассомчилик ривожига хизмат қилиши шубҳасиз. Тадбир давомида янграган шеърый айтишувлар, турли беллашувлар устозлар ва ўқувчиларга манзур бўлди.

Ферузaxon Эшмуродова,
Марҳамат тумани 32-умумтаълим мактаби хотин-қизлар кўмитаси раиси

» Давоми. Боши 1-саҳифада

Президент коронавирус билан боғлиқ вазият бўйича халққа мурожаат қилди



Хозирда 6 мингга яқин киши карантинда. Одамлар гавжум жойларда оммавий тадбирлар чекланган. 16 мартдан бошлаб барча таълим даргоҳларида таътил эълон қилинди. 80 минг талаба марказлашган ҳолда уйларига жўнатилди.

Ҳар бир ҳудудда ҳокимлар раҳбарлигида махсус штаблар ташкил этилган. Эпидемиологик вазият бўйича ҳар соатлик ва кунлик маълумот таҳлил қилиниб, тезкор чоралар кўриломоқда.

Тиббиёт муассасалари фавқуллода иш тартибига ўтказилди. Сиҳатгоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди. Тиббиёт масканлари дори-дармон, химоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди. Бунинг учун бюджетдан зарур маблағлар ажратилди.

Хориждаги юрtdошларимиз чартер авиарейслари орқали Ватанимизга қайтарилмоқда. Чегараларда ҳаракат чекланди, аммо транспортда юк ташини тўхтатилгани йўқ. Мамлакатимизга кўлаб хорижий ва маҳаллий юк ташувчилар кирмоқда ҳамда чиқиб кетмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев вазият тўлиқ назорат остида эканини алоҳида таъкидлаб, халқимизга мурожаат қилди.

— Бу ҳаётнинг кўп оғир синовларини ва яхши-ёмон куллариини бошидан кечирган халқимиз ҳаммасини тўғри тушуниб, масалага онгли ёндашмоқда. Муфтият раҳбарлигида диний уламолар юртимизга тинчлик-хотиржамлик, беморларга шифо тилаб, дуои фотиҳалар қилишмоқда. Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳаммамиз яқдилмиз ва, ишонамизки, бу қийинчиликлар, албатта, ўтиб кетади.

Бунинг учун биринчи навбатда шифокорлар тавсияларига амал қилиб, шахсий гигиена ва санитария қоидаларига ҳар биримиз ўз оиламиз, болаларимиз билан уйимизда, ишонамизда ва борадиган жойларимизда қатъий амал қилишимиз зарур. Касалликни яширмасдан, ўз вақтида мурожаат қилиш унинг олдини олишда энг

самарали чорадир.

Иккинчидан, озиқ-овқат ва бошқа кундалик истеъмол маҳсулотларининг нархи ошиб кетмаслиги учун барча чоралар кўриломоқда. Давлат солиқ кўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент қўбордаги ишларни кучайтириши керак.

Мамлакатимизда етарли даражада захира мавжуд, хавотир ёки ваҳимага тушишга ҳеч қандай асос йўқ. Аммо кўпга келган бу балога қарши ҳаммамиз биргалликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз лозим.

Барча давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотлар, муҳтарам нурунийларимиз, маҳалла ва хотин-қизлар, ёшлар бирлашмалари фаоллари оммавий ахборот воситалари орқали ҳолис ва ҳаққоний, кенг тушунтириш ишларини кучайтиришига ишонаман.

Учинчидан, мажбурий таътил пайтида фарзандларимиз ўқув машғулотларини давом эттиришлари учун Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргалликда видеодарслар туркуми йўлга қўйилди.

Телерадиокомпанияларимиз ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда тарихимиз, бой маданиятимизга оид кўрсатув ва эшиттиришлар, ёшларимиз учун фойдалӣ ва қизиқарли бадиий дастурлар, кинофильмларни кўпайтириши лозим.

Ҳурматли ота-оналаримиз ўз фарзандларини жаҳон ва миллий адабиётимизнинг энг ёрқин намуналари билан таништиришга ҳаракат қилсалар айни муддао бўларди.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Хозирги вазиятда айрим масъулиятсиз, ҳақиқий ҳолатдан бе-хабар ва ўзини “пиар қилиш”ни яхши кўрадиган одамлар тур-

ли миш-миш ва уйдирмаларни тарқатишга уринади.

Шу муносабат билан жамоатчилигимиздан илтимос қиламан: саросима ёки ваҳима кайфиятига берилмаслик керак. Матбуот ва ижтимоий тармоқларда нотўғри, асосланмаган маълумотларни тарқатишга йўл қўймаймиз зарур. Бу масалани ҳуқуқтартибот идоралари ҳам алоҳида назоратга олиши лозим.

Азиз ватандошлар!

Коронавирус пандемиясининг бутун дунё мамлакатлари қатори бизнинг иқтисодийтимизга ҳам салбий таъсири бўлиши табиий. Сўнгги икки ҳафтада жаҳон бозорида нефтининг нархи (бир баррель 60 доллардан қарийб 30 долларга) кескин пасайиб кетгани оқибатида газ экспортимиз тушумлари қисқариши мумкин.

Хориждаги асосий савдо ҳамкорларимизнинг миллий валюталари қадрсизланиши республикамизга ҳам, албатта, валюта тушумини камайтиради.

Хорижий туристлар сони ва тушум миқдори камайиши мумкин. Булар, табиийки, ялпи ички маҳсулот ва экспорт ҳажмига таъсир қилмасдан қолмайди.

Менинг топширигимга мувофиқ, Махсус ишчи гуруҳ туризм, транспорт, фармацевтика ва энгил саноат каби соҳаларга солиқ таътиллари бериш, кредитларни қайтариш муддатини кечиктириш, кечиктирилган ташқи қарздорлик учун жарима

кўлламаслик тартибини жорий қилиш чораларини кўрмоқда.

Ҳукумат қийин аҳволга тушиши мумкин бўлган соҳа ва тармоқларни, йирик корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириши зарур.

Бу жараёнда, аввало, молия ва хомашё бозорида беқарорлик юзага келишига йўл қўймаймиз.

Иккинчидан, молиявий барқарорликни сақлаш ҳамда бозорларда нарх-наво ўсишининг олдини олиш зарур.

Учинчидан, иқтисодийтимизнинг базавий ва ҳал қилувчи тармоқлари узлуксиз ишлашини сақлаб қолиш керак.

Бунинг учун ҳар бир тармоқ, корхона ва ҳудуд кесимида манзилли ва аниқ тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Тўртинчидан, марказдан ҳудудий бюджетларни ва аҳоли-мизни қўллаб-қувватлаш асосий вазибаларимиз бўлиши шарт.

Бутун халқимиз аниқ билиши керак: биз коронавирусуга қарши кураш фаолиятини ошқоралик тамойиллари асосида олиб бора-йяпмиз.

Жаҳон жамоатчилигини ҳам, халқимизни ҳам вақтида хабардор этиб бора-йяпмиз. Керакли чораларни янада кучайтира-йяпмиз.

Бугун мен икки қўшни давлат — Қозоғистон ва Туркменистон раҳбарлари Қасим-Жомарт Тоқаев ҳамда Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилиб, бу борадаги ўзаро ҳамкорлик, бир-биримизни қўллаб-қувватлаш бора-йяпмиз ҳамда масалаларни келишиб олдик.

Кўпни кўрган халқимиз янада жипслашиб, аҳил ва ҳамжихат бўлиб, бу мураккаб синовларни ҳам энгил ўтади, деб ишонаман.

Яна бир муҳим масалага барча мутасаддилар эътиборини қаратмоқчиман.

Сўнгги йилларда санитария-эпидемиология масаласига

жиддий аҳамият бермоқдамиз. Хозирда юртимизда 2 та республика даражасидаги шифохона, 14 та вилоят юқумли касалликлар шифохоналари, 216 та ҳудудий санитария-эпидемиология муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Бироқ кейинги 25 йил давомида умуман эътибор бермаганимиз учун аксариятининг моддий-техник базаси, айниқса, лабораторияси, тиббий анжом ва жиҳозлари ачинарли ҳолатга келиб қолгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Шу сабабли, бугунги кунда республика санитария-эпидемиология хизматиинг тубдан ислоҳ қилиш ва фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ишчи гуруҳ томонидан алоҳида қарор лойиҳаси тайёрланмоқда.

Мазкур хизматнинг асосий фаолияти тиббий ва санитар барқарорлик, жамоат саломатлигини таъминлаш, касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини ташкил этишга қаратилди.

Бунинг учун вилоят ҳокимлари жойлардаги санитария-эпидемиология муассасаларини бирма-бир айланаб, лаборатория-диагностика, тиббий восита ва жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар салоҳияти, ойлик маоши каби муаммоларни чуқур ўрганиши зарур.

Ички молиявий имкониятлар асосида уларни йил охирига қадар баргараф этиш, захиралар шакллантириш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқиб, бажариш лозим.

Бош ваазир республика даражасидаги ва Тошкент шаҳридаги муассасаларни бирма-бир жойига чиқиб ўрганиш ва зарур чора-тадбирлар қабул қилиниши ҳамда ижроси учун шахсан масъул бўлади.

Асосий масала — моддий-техник базани мустаҳкамлаш, кадрларни ўқитиш, илм-фанни ривожлантириш, аҳоли саломатлиги учун маблағни аямаслигимиз зарур.

» Она юрт алёрлари

Беш ташаббус – беш имконият



Президентимизнинг “Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш бўйича бешта муҳим ташаббус” и ижроси юзасидан 3 март куни Қўвасой шаҳар маданият марказида 11-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Азизбек Абдуразоқов томонидан “Беш ташаббус – беш имконият” номли концерт дастури намойиш этилди. Тадбирда Халқ таълими бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши, Маданият бўлими, 11-бола-

лар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчи ва ўқитувчилари, маданият марказида фаолият олиб бораётган бадий ҳаваскорлик жамоалари ҳамда ижодий тўғарақлар қатнашчилари, уларнинг ота-оналари фаол иштирок этишди. Концерт аввалида “Садо” миллий чолғулар халқ жамоасидан Л.Мамажонов, ўқитувчи Азизбек Абдуразоқовнинг оила аъзоларидан бивиси Саодатхон Ҳайдаровлар сўз олиб, раҳбаримиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳияти, ёшларимизга яратилаётган имкониятлардан

унумли фойдаланиш, бугунги тинч-осойишта юрда яшаётганимиз ҳақида шукроналик билан гапиришди. Кейин “Хор” синфи ўқувчилари томонидан “Ўзбекистон”, “Устоз” қўшиқлари янгради, шунингдек, бир-бирдан шўх ва жозибали кўй-қўшиқлар, рақслар ижро этилди. Дастур сўнггидаги Азизбек Абдуразоқовнинг “Ватаним”, “Она”, “Омад берсин” қўшиқлари барчага манзур бўлди.

А.Комилов, Марказий маданият маркази бадий раҳбари

» Экологик туризм

Бугунги кунда табиатга антропоген омилларнинг салбий таъсири туфайли кўп минтақаларда биоэкологик фожиа юз бермоқда. Улардан бири Орол денгизининг қуришидир. Сув чекиниши натижасида унинг ўрнида улкан қум – шўрхокли ландшафтлар мажмуасидан иборат типик чўл ҳосил бўлди. Унинг майдони 5,5 млн. гектарни ташкил этиб, шундан 2,5-3 млн. гектарга яқини Ўзбекистон (Қорақалпоғистон) Республикаси ҳудудига тегишлидир!

Оролбўйида илмий-тадқиқот ишлари...



Денгиз сувидан бўшаган ҳудудлар кенг жамоатчилик, турли мутахассис олимлар олди-га унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, шунингдек, табиий географик ландшафтларини ҳар томонлама ўрганиш муаммосини кўйди.

Кейинги йилларда бу ерларга ҳудудларнинг ҳозирги экологик ҳолатидан хабардор бўлиш учун ер юзининг барча минтақаларидан олимлар ташриф буюрмоқда. Уларнинг ақсариятини туристлар ташкил қилади.

Бутун Ўзбекистоннинг қадимий тарихий ёдгорликлари билан бир қаторда бетақороб табиати, биологик хилма-хиллиги ҳам мамлакатимиз туризмининг ривожлантиришда асосий объект сифатида хизмат қилмоқда. Бунда экологик туризм бўйича раҳбар кадрларнинг роли ва кўмаги муҳим ҳисобланади.

Айни масала бўйича қилиниши зарур бўлган асосий вазифалардан бири бу ёш авлоднинг экологик маданиятини шакллантириш, табиат ва атроф-муҳитга бўлган дунёқарашини ривожлантириш, уни севиш, асраб-авайлаш ҳиссини уйғотишда таълим-тарбияни янада кучайтиришдан иборатдир.

Мазкур масалаларнинг ижобий ҳал этилиши-



да тегишли давлат ташкилотларида фаолият олиб борувчи раҳбар ва бошқарувчи кадрларнинг экологик билимини кенгайтириш асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги «2017-2021 йилларда Орол олди минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисидаги», 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» фармони, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи, шунингдек, республика Президентининг 2018 йил 15 ноябрь куни Мўйноқ шаҳрига ташрифида Оролбўйи ҳудудларига чидамли бўлган ўсимликларни ети-

тириш, кўпайтириш ва парваришлаш бўйича самарали лойиҳаларни амалга оширишга доир тақлифлари, БМТ бош котиби 2017 йил 12 июнь куни Антониу Гутерришнинг Орол минтақасига қилган ташрифи чоғидаги фикр-мулоҳазалари ҳамда БМТ Бош котибининг махсус маслаҳатчиси Юкио Такасу Ўзбекистонга ташрифи чоғидаги тақлифлари ва 2018 йил ноябрь куни Нью-Йорк шаҳрида Халқаро Транс жамғармасини ташкил қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақлифлари кўллаб-қувватланиши мазкур ҳудудда илмий-тадқиқот ишлари олиб боришнинг янги босқичини амалга оширишга асос бўлади.

Юқорида келтирилган масалалар республика-мизнинг турли соҳаларида фаолият олиб борувчи бошқарувчи раҳбар кадрлар, маркетинг соҳаси мутахассислари, хусусан, табиат ва атроф-муҳит муҳофазаси билан шугулланувчи олимлар, кенг жамоатчиликнинг баробар ҳаракати туфайли ажобий ҳамда интенсив ҳал қилинишига эришиш мумкин.

Г.А. Шаджанова, Маданият ва санъат кўргазмаси директори

» Маданий мерос



“Тошкент” музейига саёҳат

Юртимизда илм-фан, маданият, санъат, айниқса, халқ таълимини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда музейлар йирик илмий-маърифий ва маданий марказлардан ҳисобланиб, бой маданий меросимизни, унинг тараққиёт босқичидаги ўрнини ҳаққоний акс эттириб, ёшларимизда аждодларимиз меросига нисбатан ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришда катта роль ўйнайди.

Ўзбекистон давлат табиат музейи Марказий Осиёдаги дастлабки йирик илмий-маърифий масканлардан бири бўлиб келган. 1876 йил табиатшунослик, антропология ва этнографияга қизиқувчилар ташаббуси билан ташкил этилган муассаса илгари Тошкент музейи деб номланган. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ихтиёрига ўтказилгач Ўзбекистон давлат табиат музейи деб юритила бошланди. Шу даврдан бошлаб музей илмий ҳодимлари бор эътиборини илмий-маърифий ва маданий ишларни кучайтиришга қаратдилар.




Бу ерга ҳар йили минглаб томошабинлар ташриф буюришади. Музей ўз олдида уларни Ўзбекистон табиати, ноёб, нодир экспонатларини асраб-авайлаш, яқиндан таништиришга, қишлоқ ҳўжалигида эришилаётган илғор ютуқлар, табиат ходисалари, энг муҳими, инсонларнинг табиатга бўлган меҳрини шакллантириш ва ҳимоялашга ўргатишни мақсад қилиб қўйган. Музейнинг асосий вазифаларидан яна бири аҳоли ўртасида табиатни ўрганиш, ўқувчиларнинг бу соҳадаги билимларини чуқурлаштириш, жумладан, ўлка табиатини ўрганишга кўмаклашишдан иборатдир. Кўрсатиб ўтилган вазифалар музейда мавсумий экспозицияларни ташкил этиш ва музейдан ташқарида кенг илмий-маърифий ишларни олиб бориш йўли билан амалга оширилади.

Музейнинг энтомология заҳираси муассасанинг ташкил топган кунидан бошланган. Бу 350000 дан ортиқ турдаги ҳашоратлар намунаси бўлган Марказий Осиёнинг энг катта энтомология коллекциясидир. 1918 йилда А.А.Мель томонидан музейга 1290 турдаги тропик капалаклар коллекцияси тақдим қилинган.

Зоология бўлимида кўп тухумлари коллекцияси, скелет ва ҳўл препаратлар сақланади. Умуртқали ҳайвонлар бўлимида 4000 ортиқ ноёб тулумлар бор. Айниқса, қирол пингвини, қошқибурун, вишилдоқ оқ қуш, глауконома капалаги ташриф буюрувчилар эътиборини тортиб туради.

М.Шукурова, У.Ўрмонова, Ўзбекистон давлат табиат музейи

» Беш ташаббус амалда



“Прокурор ва ёшлар”

Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган бешта муҳим ташаббус ижроси доирасида Булоқбоши туман Шарқ юлдузи қишлоғида жойлашган “Энергетик” болалар оромгоҳида “Прокурор ва ёшлар” шиори остида учрашув ва мусикий концерт дастури бўлиб ўтди. Унда шу ташаббус билан чиққан туман прокурори, махалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ва барча мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, Ёшлар иттифоқи туман кенгаши, умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳамда мактабгача таълим ташкилоти ходимлари, тарбияланувчилари иштирок этишди. Тадбирда ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда МТТ тарбиячилари томонидан тайёрланган ижодий ишлар кўргазмаси намойиш қилинди. Яна тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ёшлари, 14-мусиқа ва санъат мактаби ижо-

дий ходимлари, ўқувчиларининг чиқишлари ҳам ташкил этилди.

Шунингдек, туман маданият бўлими томонидан концерт дастури намойиш қилинди. Унда Барно Ҳамилова ижросидаги “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистоним”, “Ялли-ялли”, “Лолача”, “Болалигим” шўх тароналари, Ш.Хусанов ҳамда тўғарақ аъзоларининг бешта ташаббусга бағишланган ашуласи, Майариқ маданият маркази доира тўғараги болаларининг зарбли чиқишлари, Ширмонбулоқ маданият маркази қошидаги “Парвоз” ижодий жамоасининг “Дўппи тикдим”, “Бойчечак” болалар жамоасининг “Дўппилар” номли ва киргиз миллий рақслари, “Ифтихор” ўсмирлар жамоасининг “Беғубор кулги” ҳажвий чиқишлари барчага манзур бўлди. Тадбир давомида ту-

ман ҳокимлиги ва прокурори томонидан бир қанча соҳа ходимлари қаторида маданият бўлимларидан А.Отажонов, Ф.Холмирзаев, М.Абдуҳамидов ва қизқичлик санъати бўйича Ҳожибой Раҳимовлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Қизиқарли дастур кечга давом этди. Туман ҳокими Ў.Маъмуров, прокурори М.Салоҳиддинов ва ИИБ бошлиғи О.Абқаровлар гулхан ёқиб, кечки томошаларни бошлаб беришди. Ташкилот раҳбарлари томонидан рангли ҳаво шарлари учурилди. Гулхан атрофида, гитара садолари остида болаликни, ёшликни тараннум этувчи қўшиқлар жўрликда ижро этилди.

Азаматжон Тўлашев, “Шарқ юлдузи” маданият маркази директори

«Богдон гуллари»

Халқаро фольклор фестивалъ иштирокчиси

22 февраль куни Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусикали драма театрида ўтказилган «Нурли наволар» халқаро фольклор фестивалининг саралаш босқичида Форриш туманида самарали фаолият олиб бораётган «Богдон гуллари» фольклор этнографик халқ ансамбли «Жели сайли» дууди ва «Кичкинтой» халқ даваскорлик кўғирчоқ те-

атри кўғирчоқозлик санъати билан ҳамда «Баҳор тароналари» вилоят кўрик-танловининг Низоми асосида туман бадийи жамоаси, «Парвоз» ва «Тоғ шалоласи» ашула ва рақс халқ ансамбллари муваффақиятли иштирок этдилар.

Ҳақамлар хайъати қарорига кўра «Богдон гуллари» фольклор этнографик халқ ансамбли ижросидаги ту-

маннинг ўзига хос бўлган қадимий удумларидан «Жели сайли» ва «Халқ ўйинлари» дастури фахрли биринчи ўринни кўлга киритди ва ансамбль Навоий вилоятида ўтказиладиган «Нурли наволар» халқаро фольклор фестивалида иштирок этиш йўлланмасини кўлга киритди.

Л.Ҳақимова, Форриш маданият маркази мутахассиси



«Табиат ва инсон»



Анъанавий халқ байрамлари ва сайллари

Ўрта Осиё халқлари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам Наврўз шарқ халқлари тақвими асосида нишонланган. Баҳорги дала ишлари, маҳаллий тақвимга кўра, янги йил – кўшнинг балиқ (хут) буржидан кўй (ҳамал) юлдузлар туркумига ўтган вақтдан бошланган. Ҳозирги амалдаги ой тақвими бўйича бу 21 мартдан 21 апрелгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бошқачасига айтганда, деҳқончилик юмушлари Наврўз тантаналари билан бир пайтда бошланган.

Наврўзнинг келиб чиқиши ва тарихи ҳақида кўплаб қадимий манбаларда, жумладан, Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнама», Фирдавсийнинг «Шохнома», Навоийнинг «Тарихи мулки Аҷам» ва бошқа кўплаб олимларнинг қатор асарларида, зардуштийлик (маздапарастлик) динига оид манбаларда қимматли маълумотлар берилган. Уларнинг ақсарияти мифологик, афсонавий моҳиятда бўлса-да, маълум даражада ҳақиқатни акс эттирувчи, маънавий меросимиз хазинасига мансуб дурдоналардир.

Тарихий манбаларда келтирилишича ва олимларимиз фикрига кўра, Наврўзнинг шаклланиш даври – энг қадимги замонлардан «зардуштийлик»нинг пайдо бўлишигача давом этган асрларни ўз ичига олади. Бу байрамда «хўроз уриштириш», «кўчор уриштириш», «аржон тортиш» ва «чавгон» сингари халқ ўйинлари ташкил этилган, алп йигитлар курашда куч синашиб, кўпқарида от сурганлар. Наврўз айёми деҳқонлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этган, чунки айнан шу кунларда экин экиш, дала, бог юмушларига киришилган.



Дарҳақиқат, Наврўз жуда қадим замонлардан буён давом этиб келаётган анъанадир. 2500 йиллик тарихга эга. Уни биз баҳор, деҳқончилик байрами сифатида кенг нишонлаймиз.

Шимолий Фарғона чўпонлари баҳор келишини «Наврўз чумчуқ» деб атаувчи қўшнинг учиб келиш вақтига ва унинг рангига қараб билганлар. Агар у оқ рангли бўлса, «ёгингарчилик кам, сарик тусисидан кўп ёғади» деб таъбир қилишган. «Наврўз чумчуқ» чўпонларнинг ёз давомида доимий ҳамроҳи ҳисобланади, худда эса ўша кўш ҳадеб ўзини сурув ичига ураверса, демак, яқин орада бўрон туриши кузатилади. Буни яхши билган чўпон чорвани тезроқ пастга олиб тушишга ҳаракат қилган. Мавжудотлар билан боғлиқ табиат ҳодисалари айнан баҳор ойларида кузатилади.

Маълумки, баҳор уйғониш фасли, табиатнинг янгиланиши, гулчечакларнинг очилиш давридир. Ўзбекистонда баҳор фаслида гул сайиллари ҳам ўтказилиб келинган. Бундай байрамлар тоғ бағрида, хиёр-адирларда, боғларда ташкил этилган. Гул байрами дунёда кенг тарқалган анъаналардан биридир. «Кизил гул сайли», «Лола сайли», «Бойчечак» кабилар шулар жумласидан.

Этнограф олимга Е.М.Пишерова маълумотларига қараганда, XX асрнинг 20-йилларида Қўқон уезди Исфара қишлоғида «Лола сайли» одатда апрель ойининг 10 – 20-кунлари орасида ўтказилган. Анъанага кўра, бу кунни даставвал қишлоқнинг обрўли кишилари маслаҳатга йиғилиб белгилашган ва қулай, лозазор жой танланган.

Хулоса шунки, ўзбекларнинг бундай байрамлари ва сайллари, турли маросимлари қишлоқ аҳлининг табиат билан ҳамфикр бўлишга интилиши, машаққатли меҳнат эвазига етишгирлидан ҳосилнинг табиий офатлар туфайли нобуд бўлиши ва табиатнинг номаълум кучлар таъсиридан кўрқув, улардан қутулиш чораларини излаш, шунингдек, оддий халқ ҳаётидаги машиий ва шахсий муаммоларни, яъни иктисодий аҳволни яхшилаш, фарзанд кўриш, бирор бир касалликдан тузалиш каби индивидуал муаммолар қатор маънавий маросимларнинг бажарилишига сабаб бўлган.

Аждодларимиздан мерос бўлиб қолган шу каби анъаналар – халқимизнинг баҳор, табиат билан боғлиқ маросим ва байрамлари бошқа айёмлар орасида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради ҳамда бу анъаналар келажак авлодлар ҳаётига ҳам яшайверади.

Ш.Азизова, Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи катта илмий ходими

«Тарихий фильм»

«Авлоний» – маърифат куйчиси



1 март куни Хива педагогика коллежида Ўзбекино миллий агентлиги буюртмаси асосида «Рамз фильм» студияси томонидан суратга олинган «Авлоний» бадийи фильми премьераси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Халқаро Бобур мукофоти совриндори Мухаммадали Абдуқундузов, таниқли киноактёр Маъруф Отажонов ҳамда фильм режиссёри, «Шухрат» ордени соҳиби Музаффар Эркиновлар иштирок этишди.

Тадбир давомида коллеж талабалари, болалар шахарчаси тарбияланувчилари ва фильмда оммавий саҳнада суратга тушган ижодкорлар ўзларини қизиқтирган саволларни беришди.

«Авлоний» фильмида Хоразм вилояти кўғирчоқ театри актёри Элёр Отабоев Абдулла Қодирий ролини ижро этгани, шунингдек, оммавий саҳналарда театр ходимлари суратга тушгани ҳам эътироф этилди. Музаффар Эркинов фильми суратга олишда яқиндан ёрдам бергани учун Хоразм вилояти кўғирчоқ театрига ўз миннатдорчилигини билдириб ўтди. Биргаликда қилинган меҳнат ўз самарасини берди.

2019 йилда Музаффар Эркинов «Авлоний» бадийи фильми учун «Йилнинг энг яхши режиссёри» номинацияси ғолиби деб топилди.

Авлоний роли учун Хоразм вилояти мусикали драма театри актёри Алишер Йўлдошев «Йилнинг энг яхши актёри» номинацияси ғолиби бўлди.

Учрашув сўнгида меҳнат фахрийси Нодир Отажонов ижодкорларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Давронбек Отабоев, Хоразм вилояти кўғирчоқ театри директори

«Маданий мерос»

Қорақалпоқ халқининг заргарлик санъати

Ўрта Осиё ва Қорақалпоқ элати бошқа халқлар сингари заргарлик санъати билан қадим даврлардан шуғулланиб келган. Бу ҳақда Қорақалпоғистонда ўтказилган этнографик экспедиция тадқиқот ишларида йиғилган маълумотларга асосланиб айтишимиз мумкин. XIX-XX асрларда қорақалпоқ заргарлик санъати юқори даражада ривожланган бўлиб, асосан аёллар, шунингдек, отлар учун ҳам безаклар ишланган. Заргарлик билан кўпроқ эркаклар шуғулланишган. Ҳар бир қишлоқ ва қавминнинг ўз зарғари бўлган. Улар асосан буюртма асосида ишлаган. Қорақалпоқ усталари заргарлик ишини фарзандларига, яқин қариндошларига ҳамда қизиқиши бор ёшларга ўргатишган. Шу боис бу касб отадан болага, яъни авлоддан авлодга ўтиб келган. Таниқли заргарлардан ҳисобланган Қорақалпоғистоннинг Шўртонбай қишлоғидан бўлган Худойберган, Қўқузак қишлоғида яшаган Арзимбет заргарлар шулар жумласидандир.

Худойберган заргар ижоди нафақат қорақалпоқлар орасида, балки Хива хони эҳтиромига ҳам сазовор бўлган. Хон танга ишлашни буюриш учун уни тез-тез қақиртириб турган. Арзимбет зарғар эса чеварлиги билан нафақат ўзининг, балки қўшни қишлоқлар,

шунингдек, балиқчилар маҳалласида ҳам обрў эътибор қозонган эди. У асосан аёллар безакларини ишлаган. Қибла Орол заргарлари орасида фақат Арзимбетгина қорақалпоқ қизлари узатишганда қийиладиган бош кийим – саукелени ишлаган.

Қорақалпоқ аёлларининг заргарлик буюмлари: бош, кўкрак, қўл безакларидан иборат бўлган. Масалан, бош безаниш буюмига бурунга тақиш учун «арабек», «зирақ»лар кириб, зирақлари ҳам уч турга бўлинган: ёш қизлар зирағи, ўрта ёшдаги аёллар зирағи, катталар зирағи. Кўкрак безаниш буюмига «хайкел», «баха туйме», «шар туйме», «тумар», «онир моншак», «гилт салғиш» (қалит боғ), «қарсқ илгек», «айшик», қўл безаниш буюмига эса қуйма билгузук, қоши билгузук, узуклар қиради. Бундан ташқари, заргарлар мис қўмғон, мис думча, лаган, темир сандик кабиларни ҳам ишлаган.

Заргарлик устахоналари асосан эски уйда ёки ўтовда бўлган. Асбобларини эса асосан темирчи усталар ясаган. Улар фойдаланган қуналар авлоддан-авлодга ўтган. Масалан,




юқориди айтилган заргарлар турли нақшларни солишда штамп намуналаридан фойдаланишган, яъни: «билезик», «туйме», «хайкел», «қонғирқоқ» қолиплари мавжуд. Ҳар бир заргарда тарозиси бўлган, қимматбаҳо металл ва тошлар ўлчаб харид қилинган ва сотилган.

Бу турдаги заргарлик намуналари ҳозирги вақтда музейларда сақланмоқда. Улар Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи фондида ҳам мавжуд.

Зияда Қаражанова, Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи ходими



Тaqдимот Самарқандга йўл



Лондонда "Ўзбекистон. Самарқандга йўл" китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу ноёб нашр мамлакатимизнинг тарихий ва маданий мероси бойликларини очиб беришга мўлжалланган. Assouline Publishing француз наشريёти билан ҳамкорликда уни яратиш ҳамда чоп этиш борасида катта ишлар амалга ошириди.

Китоб муаллифи – наشريёт асосчиси Яффа Асулини. Суратлар дунёга машхур фоторассом Лазиз Хаманийга тегишли. Айнан шу ижодкорлар нигоҳи билан муштарийлар юртимиз гўзаллигини, унинг турфа хил табиат манзаралари ва ўлкамиз халқлари маданиятини кашф этади. Ушбу китобнинг ҳар бир саҳифаси ўз нафислиги билан сайёҳларни Вата-

нимизга жалб этади. Унга дунёнинг 20 та мамлаката қизиқиш билдиримоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси шафёблигида ушбу лойиҳани яратиш ҳамда уни амалга оширишга ҳиссасини қўшган барчага ўз миннатдорлигимизни билдираимиз.

Устоз ва шогирд

Устоз улўз зотдир. Инсоннинг камолотга етишишида унинг ўрни беқиёс. Айниқса, санъат соҳасида сабоқ бериш қилидан катта тажриба, чуқур илм ва ўрнат бўла оладиган инсоний фазилатларга эгалликни талаб қиладир. Чунки у ижодкор халқнинг юзи, дунёга танитадиган соҳа вакилларидан биридир. Галдаги суҳбатдошимиз ана шундай устозлардан бири, эл суйган санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуджон Тожибоевдир.

“Ўз қадриятинг устидан кулишга ҳаққинг йўқ”

– Навоийшунос олима Суйима Ғаниева билан бирга Хусайн Байқаро ғазали билан айтилган, аммо кейинчалик юсуфийлик "Авжи Сеғох"ни тиклаган экансизлар. Шу ҳақида гапириб берсангиз...

– Бу воқеа 2000 йилларда бўлиб ўтган эди. Устозларимиз "Сеғох"ни фақат Атоий ғазали билан куйлашган. Бир кун ярим кечаси уй телефонимиз жиринглади. Суйима опа "Техрондан кўнгирак қилаётган экан. Айтмишча, Эрон кутубхоналарида бир хужжатга кўзи тушибди. Унда ёзилишича, бир кун бухоролик 80 ёшлар атрофидаги Юсуф Бухорий деган киши зиёрат қилиш мақсадида Ҳиндистонга боради. Бундан хабар толган Бобурнинг набираси Акбаршоҳ уни саройига тақлиф қилади. Меҳмон шарафига катта зиёрат уюштирилади. Суҳбат давомида шох "Ватанимни ҳар бир кишини биз учун қадри, сиздек азиз устознинг бу ерга келиши бизга катта совға бўлди. Агар малол келмаса, бизга қўшиқ куйлаб берсангиз" дея меҳмондан илтимос қилган экан. У пайтда бухороликлар "Шашмақом"ни доира чертиб айтишган. Юсуфий шох илтимосига кўра унга доира беришларини сўрабди. Чолғу келтирилгач, у чайқалганча охишта хиргойи қилишга ўтибди:

Ваҳ, не ҳолатдир манга ҳар қанча кўрувсанм нўз,

Эй, маҳми бадмеҳр, сандин зоҳир ўлмас гапир нўз.

Бу ўша ғазалнинг матлағи бўлади. Вазни Атоий ғазали билан бир хил. Шунинг учун куйта ҳам мос келди. Мен унга "Авжи зебо пари"ни басталаб, кичкинорак ҳажмда тайёрладим. Телевидениеда қўшиқнинг тақдимоти бўлди, шунда уни куйлаб бердим. Ғазал:

Нечаким кўрдим жафо, меҳрингни афзун алладим,

Эй, Хусайний йўқтурур оламда сендек шиқобоз.

Тарихчилар қўшиқнинг айнан шу ғазал билан Акбаршоҳ саройида куйлангани ҳақида ёзиб қолдирган, бироқ унинг айтилиши ҳақида маълумот берилмаган. У киши қанақа шаклда айтган, қайси "наъмуд"ларни ишлатган, бу ёғи бизга қоронғи.

– Бутун санъатимизга бошқа жанрларнинг кириб келиши, чет элликларга тақдидан яратилган қўшиқ куйлаш, уларга эргашаётган ёшлар ҳақида нима дейсиз?..

– Мен эҳтисод йўналишида ижод қилмаганим учун бунга тўлиқроқ муносабат билдиришмайман. Лекин шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, эстрада йўналишида

ижод қилаётганлар ҳам шу юрт, шу миллат фарзандлари. Улар хоҳлайдими йўқми миллий меросимиз, анъаналаримиз, қадриятларимизга ҳурматни сақлашлари шарт. Ҳурмат-эҳтиром деганда тағига кўрпача тўшаб, қўлига сув тутиш эмас, дилда миллат меросига фахр туйғусини туйишни тушуниш даркор. Бир вақтлар Андижонда санъаткорлар эғнига беқасам тўн, бошига дўппи қийиб қўшиқ ижро этишаркан эди. Бир нечта ўспирин чеккада туриб олиб "Анавиларнинг бақирини, ... ўшаб ҳанграшини қара" деб ҳофизлар устидан кулишди. Ушанда кўнглимдан нималар кечганини фақат ўзим биламан. Ахир бу сенинг ҳам қадриятинг, миллатинг гурурику. Сен ҳам шу миллатга мансубсан-ку. Ота-боболаринг шу қўшиқларни эшитиб улгайишган. Ўз қадриятинг устидан кулишга асло ҳаққинг йўқ. Лекин буни уларга қим тушунтиради? Бутун ёшларимизнинг чет эл мусикаларини берилиб қилипти? Уларнинг сўзи мулақо тушунарсиз, фақат мусика ритми бор холос. Мулоҳаза қилиш, фикрлаш ўлиб борапти. Бир сўз билан айтганда, манкуртга айланипти. Даврнинг жадаллаб бориши, гоёлар кўпайишини инobatта олсан, маълум бир тоифадагиларнинг кўзлаган манфаатлари бор. Масалан, географик ҳудудларни эгаллаб олиш учун мусикадан қурол сифатида фойдаланаётганлар ҳам йўқ эмас. Мусика жуда назик нарсас, у билан одамларни маънавий фалажлаб, яъни фикрломайдиган қилиб қўйиш, керак бўлса, ваҳшийлаштириб юбориш мумкин. Албатта, интернет тармоғини чеклаш мушкул. Лекин биз мақом қўшиқларига эътиборни кучайтиришимиз лозим. Шу йўл билангина ёт гоёларга қарши кураша оламиз. Мақом ва адабиёт ёшларимиз онгидан бегона гоёларни суриб чиқаришга қодир.

– Бир пайтлар газетада журналист Аҳмаджон Мелибоевнинг "Торнинг чўмичдан фарқи" номли мақоласи бошқилиб чиққан эди. Унда айрим санъаткорларнинг телевидениеда турли кўнглироқ кўрсатувларни олиб бориши танқид қилинган эди. Ҳақиқатан, баъзилар тор билан чўмични фарқломайди?! Аслида санъат аҳли халққа ўрнат бўлиши керак эмасми?..

– Оч одам санъатга унчалик эътибор бермайди. Унга минг гапир, фалсафа ўқи, ўй-хаёли барибор овқатга туради. Бир лафза эсимга тушиб кетди. Қўнларнинг бирида Ҳўжа Насриддин зикрарок чолғучи



оғайинисиникига меҳмонга борибди. Ошнас бир хонага қатор қилиб турли чолғу асбобларини олиб кўйган экан. Дутор, гижжак, уд, рубоб ва яна шунга ўхшаш асбоблар... Афандини ўша хонага олиб кириб, ҳар бирининг тарихи-ю таърифи ҳақида гапириб, эримасдан ҳаммасини қилиб кўрсатибди. Орадан анча вақт ўтибди. Афанди овқат емай келган экан-у, лекин бечора мезбон нима деса ўшанга қараб сомиёй бўлиб ўтираверибди. Ошнас ҳаммасини қилиб олган Афандига қараб: "Насриддин, бу чалган чолғуларим ичидан қайси бирлари сизга ёқди", деб сўрабди. Афанди ҳам қисиниб-қимтиниб, "Энди мен буларга кўпман тушунавермайман, лекин бир сонинг овози менга жуда ёқди. Қозонга урилган қалқирнинг овози жуда ёқимли эшитилади-да. Сизда қапқир деган соз ҳам борми?" деган экан. Бу лағифа, албатта, мажозий маънода. Аввало инсоннинг маънавий фикрлаши юқори, маълум маънода тарбияланган бўлиши лозим. Илгарилари ҳамма илмларни ўрганиб бўлгандан сўнггина қўшиқ куйлашга руҳсат берилган, яъни қўшиқни бузиб қўймастлиги учун. Чунки у жуда нафис нарсас. Қўшиқ тинглаш асосида онгда инкилоб ясай олиш қудратига эга.

– Фарзандни ота-она тарбиялайди. Оилада унинг ҳуқ-ағвори, одоб, шахс сифатидаги маданияти шаклланади. Ижодкорни маънавий-маданий тарбиялашда устознинг ўрни қандай?

– Халқимизда гул-қўрмаган шогирд ҳар мақомга йўғурлар" деган мақол бор. Ижодкорнинг санъат соҳасида кечадиган ҳаётида устознинг ўрни, албатта, катта бўлади. Азалдан Шарқ мамлакатларида "устоз-шогирд" анъаналарида жиддий эътибор қаратилган. Устоз ўзидан олдинги ўргатувчилар берган сабоқларни, анъаналарни кўз қорачигидек авайлаб-асради ва кейинги авлодларга етказиб бериши. У шогирдларига: "Сизлар ҳам мен кўрсатгандек ўргатинглар, ўз билган-



ларингизча қўшимча қўшманлар", дея бот-бот таъкидлайди. Бу анъаналарнинг сақланишига, йўқолиб кетмаслигига ҳизмат қилади. "Мақом" ана шундай жараёнларни босиб ўтди. У даврларда "диск", "касета", "флешка" кабилар бўлмаган, "мақом" устоз-шогирданъаналарни туғайли етиб келди.

Устознинг елкасида катта юк туради. У шогирдларига ҳар томонлама ўрнат бўлиши керак. Устоз сабоқ берувчиларига фақат ашула айтишни эмас, уларга одамийликни, жамиятда қандай юриш-туришни, одамлар билан муомала қилиш, саҳнада ўзини тутишни, нималарни ижро этишни ҳам ўргатиши керак. Аудиторияга қараб қайсиқидир қўшиқни куйлаш жуда қийин. Бир пайтлар бефаҳм одам азага бориб қўшиқ куйлаган пайтлар ҳам бўлган экан. Қайқовуснинг "Қобуснома"сида шундай дейлади: "Эй фарзанд, агар сен санъаткорликни, гўяндаликни, хофизликни ихтиёр этсанг, давранга қараб ашула айтгин". Бу "Чолларнинг ичда эстрада, ёшларнинг орасида оғир қўшиқларни айтмагин", деган тушунчани беради. Лекин тан олишимиз керак, бутунги базий эшитувчилар аралаш бўлиб кетди. Ҳатто чоллар енгил қўшиқлар ишқибози бўлиб кетган. Ҳозир диконгаб ўйнаш ҳам урфга кирган. Тўйлар дискотекага айланиб кетяпти, гўё.

– Маҳмуд ака, телекўрсатувларда, газеталарга берган интервьюларингизда устозларингиз ҳақида кўп гапиргансиз. Уларнинг ўғитларини бот-бот эслаб ўтгансиз. Айтнинг-чи, муносиб шогирд бўла олдингизми?

– Йўқ, менимча. Устозларим кўп бўлган, улўз санъаткорлардан сабоқ олганман. Уларнинг ҳаммаларини алоҳида-алоҳида эҳтиром билан эста оламман. Мен бу инсонларнинг ҳақларига дуолар қиламан. Улардан бири, марҳум устозим, Ўзбекистон халқ хофизини Очилхон Отахонов – жуда хоқисор одам бўлган. Узи эшон-зода, авлод-у аждодлари ҳам азиз одамлардан. Бироқ Очилхон акада кибр туйғуси йўқ эди. Устоздан қандайдир бир нур келиб турарди. Бир кун кўрмасам чиқолмасдим. Одам ўзига яқин бўлган инсонини "ҳали бери ўлмайди" деб ўйлайди.

Лекин иссиқ жон-да, у киши оламдан ўтиб қолди. Устознинг қадри кейин билинди. Яқинингиз дунёни тарқ этгандан сўнг, унинг хислатларини атрофдагилардан, ўзингиз билмаган ҳолда, излай бошлайсиз. Аммо қани энди бошқаларда бу фазилатлар топилса, ҳеч қимдан тополмайсиз. Турғун Алимтов ҳам шундай инсонлардан эди. Ҳеч қимга ўхшамасди. Мен Орифхон Хотамов, Фаттоххон Мамадалиев, Ориф Алмақусумовлардан таълим олганман, ота-бола бўлиб ёнларидан бирга юрганман. Улар уммон одамлар эди. Қишлоғимизда Этамберди Маматов деган устозим бўлган. Бу киши учинчи ё еттинчи синфни битирган, аммо инсонийлик сифатидаги жозибалари жуда юқори бўлган. Ҳозир бундай инсонларни тополмай сиқилиб кетаман.

Ёшларимизда жуда шўх бўлганман. Жанжалкашлигимдан биров бир нима деса, тенкурми бўладими ё ўндан сал каттароқ, ҳали гапирмасларидан урғиб кетардим. Эсимда, биттасини чекага олиб чиқиб урмоқчи бўлдим. Машинада кетаётганимизда Очилхон ака Отахонов: "манга қаранг, ашулақандан полвон чикмайди", деган эди. Шу бир оғиз гапдан ортиқ сўз демедилар.

Устозларим "бундай турун, ундай бўлин", деб панд-у насаҳат қилмасдилар, лекин ўзлари ибрат эди. Очилхон акани кўриб "нимага мен бунақа эмасман, нега устозим бунақа" дея хижолат бўлаверардим. Бу инсонлар юришлари, ўзларини тутишлари билан жамиятни тарбиялаб юборадиган одамлар эди.

Оламтир Абдиев

«Аёлга эхтиром»

“Гўзаллик ва садоқат тимсоли”

6 март куни Бухоро ўқув ишлаб чиқариш корхонасида вилоят кўзи ожизлар махсус кутубхонаси ходимлари ҳамда ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамкорлигида “Гўзаллик ва садоқат тимсоли” мавзусида мусиқали кеча ўтказилди. Уни кутубхона раҳбари А.Ўроқов очиб, барча



хотин-қизларни байрам билан табриклади. Тадбирда 14-мактаб ўқувчилари томонидан оналар ва аёлларни мадҳ этувчи шеърлар ижро этилди. Бухоро ихтисослаштирилган маданият мактаб-интернатининг бир гуруҳ ўқувчилари ўзларининг бадиий чиқишлари, сахна намойишлари, Олот туман кўзи ожизлар

филиал кутубхоначиси Ў.Бешимова “Аёл” шеъри ижроси билан барчанинг олқишига сазовор бўлишди. Мактаб-интернат ўқитувчилари С.Полвнова, С.Қўшбаева ҳамда иқтидорли ўқувчилар ҳам куй-қўшиқлари, Бухоро шаҳар маданият бўлими ходими Ҳамза Тўхтаевлар мусиқий чиқишлари билан меҳмонларни хушнуд этишди.

«Эълон»



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги
“Ўзбек давлат цирки”
давлат муассасаси 2020 йилнинг 3-4 апрель кунлари бўш (вакансия) иш ўринларига қуйидаги мутахассисликлар бўйича “танлов” эълон қилади

№	Касблар ва мутахассисликлар номи	Талаб этилаётган малака	Талаб этиладиган маълумот
1	Бадийи жамоа раҳбари	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	олий
2	Ишлаб чиқариш цехи бошлиғи	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	олий
3	Бош балетмейстер	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	олий
4	Мусиқа бўлими раҳбари	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	олий
5	Саҳналаштирувчи балетмейстер	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	олий
6	Саҳналаштирувчи рассом	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	олий
7	Чироқ устаси	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	олий
8	Артист-гимнаст (олий тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
9	Артист-ўргатувчи (1 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
10	Артист-жонглер (1 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
11	Артист-акробат (олий тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
12	Артист-масҳарабоз (олий тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
13	Артист-масҳарабоз (1 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
14	Артист-эквилибрист (1 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
15	Оркестр артисти (2 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
16	Артист-чавандоз (олий тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
17	Артист-чавандоз (2 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
18	Артист — чавандоз (тоифасиз)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
19	Балет артисти (2 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
20	Артист-иллюзианист (2 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус

Манзил: Шайхонтоҳур тумани, Гафур Фулом кўчаси 1-уй, Хадра майдоми
Мурожаат учун телефон: (71) 244-34-31

«Меросларимиз»

Ўзбек халқининг маданий мероси бўлмиш меъморчилик санъати минг йиллар давомида яратилган. Ўтмишда ота-боболаримиз қурган муҳташам бинолар ҳозирга қадар мафтункор жилвасини йўқотмаган. Юқсак дид билан ишланган безаклар одамларни ҳайратга солишда давом этмоқда. Меъморчилик шундай бир санъатки, унда ижодкор халқ тарихи, тафаккури, орзу-умидлари, ўзига хос хусусиятлари, дунёқараши, қизиқиши каби ҳислатлар муҳасам. Жумладан, кўҳна шаҳарларимизда чиройини кўз-қўз қилиб турган маҳобати меъморий обидалардаги оддий ғиштдан тортиб нақшу қошилар, ўймакорлик санъати дурдоналари халқимизнинг ўтмишдаги ҳаёти, маданиятидан дарак беради.



Атоуллохон тўра масжиди

Қадимий ёдгорликларга бўлган қизиқиш шунчаки тарихимизга ҳавас ёки эрмак эмас, балки ҳар биримиздаги оддий инсоний ҳис - Ватанга меҳр туйғуси билан изоҳланади. Биз қадимий обидаларни, аввало, инсон даҳриси, халқ тафаккури қудратининг намунаси сифатида қабул қиламиз.

Олис асрлар қаъридан бизгача етиб келган ҳар бир мўъжиза – у хоҳ меъморчилик, хоҳ мусиқа, хоҳ адабиётга оид осори-атика бўлсин, бари чексиз дид ва инсон кўли ихтиросидир. Шунинг учун ҳам улар халқ ҳаёти ва ижодининг кўздан яширин, ботиний катламларини очиб берувчи тарихий шаҳодатномалардир.

Тарихий обидалар жамятининг маънавий ҳаётини янада бойитади, ватанга, халққа, ўтмиш аجدодларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром ҳиссиётларини ўйғотади. Шу боис ёдгорликларга муносабат бугунги куннинг энг муҳим муаммоларидандир. Чунки миллий маданият, санъат, яратувчанлик тарихи бевосита шу обидаларда намоён бўлган. Инсон ўз миллати, халқи ўтмишини ахси билган тақдирдагина ватанпарвар бўлиши мумкин. Негаки, ўтмишни билмаган, қадрламаган одам на бугуннинг ва на эртанинг кадрига етади.

Шундай меъморий обидалардан бири Наманган шаҳар Сумалак гузар маҳалласи Уйчи кўчасида жойлашган Атоуллохон тўра масжидидир (маҳаллий халқ уни Отаваллохон тўра масжиди деб аташади). Тарихдан маълумки, Наманган шаҳри тўрт қисмдан иборат: Лаббайтога, Сардоба, Чуқуркўча, Дегрезлик даҳалари. Уларнинг ҳар бирида жоьме масжидлари ва мадрасалар бўлган. Жумладан, Дегрезлик даҳаси марказида, яъни ҳозирги Атоуллохон тўра масжиди ўрнида ҳам XVII аср охирида бунёд этилган мадраса ва катта жоьме масжиди биноси мавжуд эди.

Манба шунос Аҳмад Убайдуллоҳ «Наманган ҳақиқати» рўзномасининг 2007 йил 31 январь сонидаги «Нодир обидалардан бири» мақоласида деб мадраса ва масжид ёғоч синчдан қурилганини, бинонинг ички ва ташқи қўринишлари ҳамда жоьме масжиди айвони низоҳатда дид, амалий санъатнинг гўзал усуллари билан нақшланиб зийнатланганини, шунингдек, араб ёзувининг кўфий, сулс, насх ва насталлиқ усулларига оғалар, хадислар ҳамда саловатлар ёзилганини билдирган.

XIX асрда Халифа Абдулазиз номи билан машҳур бўлган сўфий шоир Абдулазиз Ҳасанхўжа ХМ аср бўшаб бу мадраса ва жоьме масжид Халифа Абдулазиз мадрасаси номи билан атала бошланади. Унинг вафотидан сўнг орадан бир канча йиллар ўтгач, ХМ аср бошларига келиб, сабаби номаълум бўлган ёнғин натижасида масжид ва мадраса бинолари тамоман қуйиб кетади.

Бўлиб ўтган ёнғиндан кейин Халифа Абдулазизнинг набираси Атоуллохон (Отаваллохон) Тўра бошлиқ Дегрезлик даҳасига қарашли маҳаллалар оқсоқоллари ўзаро маслаҳатлашиб, у ерда янгидан гўмбазли жоьме

масжиди қуришга қарор қилишади.

Шу тарихда бўлгуси масжид биноси лойиҳаси ишлаб чиқилади, унга мувофиқ масжид катта гўмбазли бўлиб, ёғоч ишлатмасдан фақат пишик ғиштдан қурилиши ва бинонинг олд томони икки қаватли бўлиши, ички қисми ажойиб санъатли турли ўйма нақшлар билан безатилиши кераклиги келишиб олинади. Атоуллохон Тўра масжидининг мазкур лойиҳаси ҳозирда Марказий давлат архивига сақланмоқда. Бундай улкан гўмбазли бинони қуриш осон кечмагани учун тақлиф этилган усталарнинг кўпчилиги ушбу мураккаб ва масъулиятли вазифани бажаришга иккиланиб қолишади. Ниҳоят ўша даврнинг машҳур меъмори, наманганлик Иброҳим меъмор ўли Уста Мулла Қирғиз қурилиш ишларини ўз зиммасига олади. У ҳақиқий устазода бўлиб, меъморлик санъати борасида тўғма истеъдод эгаси эди.

1915 йилнинг баҳорига қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Уста Мулла Қирғиз билан унинг истеъдодли шогирдларидан Уста Фозил Намангоний, соқов Ҳожи ва бошқалар ёнма-ён ишлайдилар. Уста масжид қурилишида бор маҳоратини ишга солади. Чунки бундай мураккаб қурилиш иншоотлари камдан кам бунёд этилар эди.

Дастлаб бино пойдевори 4 ой давомида шиббалаб қотирилган. Ҳар бир шибба урилишдан олдин пойдеворга сув тўлдириб қўйилган, то у селгитгуна кутиб турилган ва яна шибба урилган. Бу ҳол қайта-қайта давом эттирилган ва шундан сўнг тош териб, қамчи солиб, ғишт терилган.

Бино таркиби тўғри бурчакли ва гўмбазли мутаносиб бўлиб, 27х19,6 метрлик режа асосида қурилган. Масжид усти айланаси 13,9 метрлик қовурғали улкан гўмбаз билан ёпишган. Гўмбазнинг ён томонларига айланғирбий бир неча панжарасимон туйнўқлар қўйилган. Ғарбий ва шарқий қисмлари ғиштдан кўтариб ишланган. Гўмбаз тўғрда устун тепасига ўрнатилган бўлса, унинг шимолли ва жаубий қисмлари саккизта ана шундай устунчалар устига ўрнатилган. Бу устунларнинг ҳаммаси ўртал рағндаги сиркор қоламалар билан қолинаниб, юқори қисмига кўфий хати билан Аллоҳ ва унинг сифати ёзилган. Устунлар билан девор орасидаги бўшлиқ эса мажид айвонини ташкил қилади. Масжидга кириш эшигининг икки ёнида иккинчи қаватга чиқиб учун баландлиги 10 метрга яқин, зинаполий бурма йўлаклар бор. Уста Қирғиз мазкур йўлакларни қуришда ғишт терилишнинг ўзига хос усуллари ва салобатини моҳирона қўллаган.

Атоуллохон Тўра масжиди биносининг яна бир қимматли томони шундаки, XVI асрдан то ҳозирги давримизгача ўрта Осиёда бунёд этилган меъморчилик обидалари орасида гўмбазининг улканлиги жиҳатидан етакчи ўрнида туришидир. Бу наманганлик меъморлар истеъдодидан дарак беради. Гўмбазнинг устки қисмидаги марказдан бошланиб пастга тушган 30 га яқин қовурғалар кўёш нурида товланувчи қўқ тусли қўйма сопол тувақчаларга ўрнатилган. Уни сержило

ва жозибдор қилиш учун ғиштдан бўрттириб гуллар чиқарилган ҳамда остидан айланасига кўфий ёзувида «Калимаи тойиба» битилган. Масжид асосан Дегрезлик даҳасида яшовчи маҳаллалар аҳолисидан ва бошқа мурдлардан йиғилган маблағ ҳисобига бунёд этилган.

Унинг очилишида аҳоли томонидан масжид ичига ахлит тушадиган ҳамма гўмбаз келишиб, тўшалган. Масжид ишга тушгач, кутубхона ташкил қилинган ва у кўплаб нодир қўлёзма китоблар билан тўлдирилган. Атоуллохон тўра масжиди қошида Қуръон илмиий ўргатувчи марказ, қорихона ташкил этилган ва унда XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган наманганлик қироят илмий билимдонлари дарс беришган. Мазкур қорихонада Исмоил Маҳдум Соттиев, Муҳаммадхон Қори Ҳожа Абдуллоҳ ўгли сингари таниқли илм аҳллари сабоқ олишган.

1922 йилга келиб Шўро ҳукумати қарорига мувофиқ бутун мамлакатда диний эътиқод ва диний муассасалар ҳамда ўша пайтларда амалда бўлган араб ёзувига қарши кураш бошланди. Натижанда Атоуллохон Тўра масжиди ҳам ёпилиб, қорихона мудирисларининг айримлари ушланиб қамалди, қочинга улгурганлар хорижий мамлакатларга ўтиб кетиб кутулишди. Кутубхонадаги китоблар ва бошқа ашёлар мусодара қилиб юборилди. Кейинчалик ўша китоблар ёқилди, ашёлар эса ҳукумат идораларига тақсимлаб берилди. Масжид эшигига ўйиб ёзилган оятлар эса болта билан чопиб йўқотилди. Шу тарихда улкан гўмбазли масжид ўз фаолиятини тугатди.

Бўш қолган бино бироз муддат омборхона вазифасини ўтаб келди ва 1950-1951 йилларга келиб хотин-қизлар клубига айланғирилди. Наманган давлат архивида сақланаётган тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Атоуллохон Тўра масжиди 1939 йилнинг май ойига қадар хотин-қизлар клуби вазифасини бажарган. 1939 йилнинг 21 майда бўлиб ўтган Наманган шаҳари заводи ташкил қилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ хотин-қизлар клуби ўша пайтдаги Охунбобоев номи колхозининг ошхонасига кўчирилган ва Атоуллохон Тўра масжиди биноси даино заводи ташкил қилинган. 1939 йил июль ойи охирида бунёд бўлиб яна ишлаб чиқарилган. Бу завод 1985-1984 йилларгача фаолият кўрсатди ва Ровустон қишлоғи ҳаудудида янги завод биноси қурилиши якунлангач, унга кўчирилган.

Мустақиллик шарофати билан меъморий ёдгорликларимизга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, Атоуллохон тўра масжиди таъмирланиб, гўзал масканга айланган. Ҳозир бу ерда вилоят диний мадрасаси фаолият кўрсатмоқда. Қўйлаб мусулмон давлатларидан келган меҳмонлар толиб илмларга яратилган бу каби шароитлардан қурсанд эканликларини билдиришмоқда.

Ф.Рўзиев, Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат муҳри Маънавият бўлими мудири

Фестиваль

Тўрткўлнинг "Нурли наво"лари



13 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Нурли наволар" халқаро фольклор фестивали ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарори, фольклор санъатини янада тараққий эттириш, халқ ижодиёти анъаналарининг қадимий урф-одатларини сақлаб қолиш, ёш авлодни миллий урф-одат ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, шунингдек, фольклор санъатини кенг тарғиб

этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 10 январдаги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида: Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туман ҳокимлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Халқ таълими ва Маданият бўлими билан ҳамкорликда "Нурли наволар" халқаро фольклор фестивалининг туман босқичи Ёшлик маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Фести-

валь якунига кўра, 1-ўрин Уллубоғ ОФЙ, 2-ўринлар Оққамиш ОФЙ, Боғёл МФЙ, 3-ўринлар Қалтаминор ОФЙ, Отаюрт ОФЙ ҳамда Пахтабод ОФЙ жамоаларига берилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раиси Э.Ҳалимбетов, Маданият бўлими раҳбари Б.Дурдиев ва ҳакамлар ҳайъати раиси сўзга чиқиб, иштирокчиларни табриқлашди. Шунингдек, совғалар, диплом ва ташаккурномалар билан тақдирлашди.

Аждодлар мероси

Мулла Қирғиз мадрасаси Наманган шаҳрининг марказида жойлашган бўлиб, қурилиши 1910 йилдан 1912 йилгача давом этган. Мадраса бошланғич ва ўрта маълумот берувчи диний мактаб сифатида хизмат қилган. Қурилиш хомашёси асосан пишган ғишт бўлиб, гумбазлар, ҳужралар қадимий Ўрта Осиё меъморчилигига мос арк услубида ишланган. У ўзининг ташқи кўриниши, яъни усталарнинг ғиштларни ажойиб тарзда териш услуби, бинонинг беш бурчак шаклида қурилгани, кираверишдаги пештоқ қошларининг усталик билан жойлаштирилиши билан ҳар қандай одамда қизиқиш уйғотади. Ёдгорликка яқинлашар экансиз унинг пештоқидаги қошлар орасига: "Бони Мулла Қирғиз Ибн Машраббой тижжари", яъни "Машраббой ўғли Мулла Қирғиз буйруғи билан", унинг ёнида "Уста Қирғиз ибн Иброҳимбой меъмори", "Меъмор Иброҳимбой ўғли Уста Қирғиз" – деб ёзилган хатларга кўзингиз тушади. Бундан келиб чиқадики, мадраса-мулк Мулла Қирғиз бойники, қурилиш санъати эса Уста Қирғизга тааллуқлидир.

Мулла Қирғиз мадрасаси



Мадраса ҳовлисини 43 ҳужра ва учта гумбаз ўраб туради. Унинг пештоқида тушган иккинчи қаватидаги ҳужралар каби шимолий-шарқий қисмига ҳам ҳужралар қуриш мўлжалланган, аммо номашум сабабларга кўра, улар битказилмаган. Катта гумбазга кираверишда жуда усталик билан ярим ғишт бўрттириб чиқарилиб, хусниҳат билан кўрсон оятлари битилган, бизгача шу ёзувларнинг 25 фоизигина сақланиб қолган.



1972 йил реставрация жараёнида мадраса қурилишида иштирок этган Уста Фозил Намангонийнинг ўғли Уста Турғун Фозилов ва Абдуллоҳжон устаннинг ўғли Ҳапизхон Абдуллаевлар қайта тиклаш ишларини олиб боришди. Мадраса пештоқида ёзилган хатларни ёгингарчиликдан сақлаш мақсадида гумбазга тенглаштириб, икки қаватли ниҳоятда ҳашаматли айвон қурилган. Афсуски, бу айвон ҳозиргача сақланиб қолмаган. Мадраса пештоқининг ичкари қисмига баландлиги 20 метрдан иборат минора қурилган бўлиб, унинг 30 фоизи босмачиларга қарши олиб борилган қурашда тўплар зарбидан қулаб тушган. 1972 йил минора қайта тикланди. Унга чиқиш учун ишланган 40 поғонали айлана шаклидаги зина – усталарнинг юксак маҳоратидан далолат бериб турибди. Мадрасанинг ғарб томонидаги иккита асосий гумбаз пештоқ фундаментида параллел равишда қурилмай архитектура қоидаларига зид ҳолда жойлаштирилган. Сабаб – диний урф-одатларга кўра, гумбаз меҳроби намоз ўқиш учун қибла томонга ўрнатилиши керак эди. Мадраса тарихи билан чуқур танишиш мақсадида Мулла Қирғизбойнинг ўғли Абдулҳамидхон ва қурилишда қатнашган усталар билан суҳбатлашганда қуйидагилар маълум бўлди:

Мулла Қирғизбой бир неча пахта заводлари ва катта ер эгаси бўлган. У аҳолиси орасида янаям обрў-этибор қозониш мақсадида ўз яқинларини тўплаб, кўзга кўринарли бир иш қилиб, ном қолдириш ниятида эканини айтди. Шунда улар мазкур мадрасани қуриш тақлифини билдирадидлар. Бу Мулла Қирғиз Охунга маъқул тушади. У ўз мақсадини

амалга ошириш учун ўша замоннинг энг кўзга кўринган устаси – Уста Қирғизни ишга жалб этади. Уста ҳам ўз навбатида мадраса қурилишини охиригача қатнашган. Мадраса қурилишида яна бир қизиқ ҳолат юз берган. Яъни асосий гумбаз жойлашадиган ер Дадабой ҳаммомчига тегишли бўлиб, у қурилишга рухсат беришни истамайди. Шунда эллик ёшлардан ошган Мулла Қирғизбой Дадабой ҳаммомчининг 16 ёшли қизи – Равзия-хонга уйланади. Кўёв бўлиб олгач эса сўраб ҳам ўтирмай мўлжаллаган ишини давом эттираверди. Қурилишда Уста Қирғиз бошиқ шогирдлар – Ғофир Ҳожи, Уста Фозил, Абдуллоҳхонлар иш олиб бориб, ҳар куни саксон-тўқсон мардикор билан ишлашди. Мадрасанинг энг нозик жойи бўлиши олд фасад ва гумбазнинг мураккаб қисмларида Уста Қирғизнинг ўзи ишлайди ва бино 1912 йилда битказилади. Мадраса қурилиши якунига етгач, унда ҳар йили 100 га яқин талабалар илм ола бошлашади. Бу 1920 йилгача давом этади. Ўқиб жараёнидаги чикимни доимий қоплаш мадрасага қарашли вақф ерлар ва дўконлар зиммасида бўлган.

1970 йил реставрация ишлари бошлангич кетди. Иш якунлангач, қарорга кўра, мадраса асосан ёшлар ижодига бағишланган ҳамда бу ерда вилоят санъати ва адабиёти музейи жойлаштирилди. Ота-боболаримиз кучи, пешана тери, ақлу заковати билан яратилган келажак авлодга мерос бўлиб ўтувчи ёдгорликларни сақлаш ҳар бир инсоннинг оlijаноб бурчидир.

М.Мурадова, Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

Археологик топилма



Сиркор идишлар жилоси

Сопол идишлар ясаш инсониятнинг қадимий ихтироларидан бири ҳисобланади. Олдий пиширилган сопол идишлар асосан металл оксидлари, кварц кумллари ва бошқа турдаги элементлар бирикмасидан иборат. Сиркор буюмлар қадимги Мисрда мил.ав. IV минг йилликда, Месопотамияда эса мил.ав. IX асрдан маълум. Яқин шарқда уларни ишлаб чиқариш антик даврларга бориб тақалади.

Сиркор буюмлар ишлаб чиқарадиган яна бир марказ Узоқ Шарқда жойлашган бўлиб, Хитойнинг Хан даври (мил.ав. 206 – 220 йй)га оидлари Буюк ипак йўли орқали Ғарб давлатларигача етиб борган. Қадимги сиркор буюмларни ишлаб чиқариш икки марказ ўртасида жойлашган Ўрта Осиёда нисбатан кеч йўлга қўйилган. Шимолий Бахтриянинг Айритом, Парфиянинг Нисо каби антик давр ёдгорликларида сиркор идиш намуналари топилган бўлса-да, уларнинг маҳаллий кулоллар маҳсулотидек экани исботланмаган. Кўп тадқиқотчилар фикрича, Ўрта Осиёда шундай идишларнинг кўпроқ ишлаб чиқарилиши VIII аср иккинчи ярми ва IX аср бошларига тўғри келади.

Шимолий Бахтрия – Тохаристон замини ҳудудида археологик жиҳатдан атрофлича ўрганилган бўлса-да, ривожланган ўрта асрларга оид, жумладан, Термиз ва Чағонийнинг сиркор идишлари тарихига бағишланган махсус тадқиқотлар хануз яратилмаган. Уларнинг шакли, безаклари ва ясалиш услублари хронологик тарзда тавсифланмаган. Сопол идишларга сир бериш технологияси, сирларнинг кимёвий таркиби ўрганилмаган. Шунингдек, шакл ва безаклари эволюцияси ишлаб чиқилмаган, яна мавжуд тадқиқотларда Термиз ва, умуман, Чағоний ҳудудида сиркор буюмларнинг пайдо бўлиш даври ёритилмаган.

Ҳосияттепа шимолий-ғарбий Тохаристондаги йирик шаҳарлардан бири ҳисобланиб, араб манбаларида ёзиб қолдирилган Хушвара шаҳри ўрнида бўлган. Қушонлар таназзулидан сўнг бунёд этилган мазкур шаҳар ривожланган ўрта асрларда ўз қалъа, шаҳристон ва работи эга бўлиб, 20 га майдонни эгаллаган. Шаҳар арки-аълосида олиб борилган археологик ҳазиналарда бир неча сиркор буюмлар топилган. Улар қатлам ёдгорлигининг 5-қурилиш даврига оид бўлиб, VIII аср охири – IX аср бошларига тегишли деган тахминлар бор.

Ушбу қатламдан сиркор мунчоқ ва сиркор косалар билан бирга илк аббосий халифалардан бири Муҳаммад ал-Амин даври (809-813йй)да зарб этилган мис танга ҳам топилган. Ҳосияттепа сиркор мунчоқлари ўша даврдаги Хоразм мунчоқларига, сиркор косаларнинг шакл ва безаклари эса Балх косаларига ўхшашидир.

Шимолий-ғарбий Тохаристоннинг илк сиркор идиши намуналари эски Термиз ҳудудида, Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси атрофидидаги ғорсимон иншоотлардан топилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида шу маълум бўлдики, бу иншоотлар дастлаб миллий IV асрда қурилган ва VIII асрнинг иккинчи ярмига қадар фаолият кўрсатган. Сўнгра VIII аср иккинчи ярмидан X асрнинг 60-йилларигача қайта фойдаланилган. Бу даврда ғор деворлари ганч билан сувалиб, зиналоп чеккаларига пишиқ ғиштлар ётқизиلىб таъмирланган. Сиркор идишлар ғорсимон иншоотлар ёнидаги дабраблардан ҳам топилган. VIII аср охири ва IX аср бошларига оид топилмалар ҳали тўла-тўқис, мукаммал ўрганилмаган. Уларнинг шакли, ясалиш услуби, ранг ва сир билан қоплаш жараёнида камчиликлар бўлган.

Ҳудди шундай идишлардан бири тўқ яшил ранг билан қопланган сиркор косадир. У ярим сферик шаклда бўлиб, таглиги текис ишланган. Коса ички ва ташқи томондан тўлиқ англоланмай, тўғридан-тўғри сопол устига сир берилган. Косага шакл ва сир бериш жараёнидаги ноқисиларга кўзга аққол ташланади. Яна шундай тусдаги сир берилган ярим сферик коса гардиш қисми 2-бадрабнинг энг пастки 3-қатламиндан топилган. Унинг гардишига ташқи томондан хандасавий (геометрик) босма безак берилган. Беш қатор учбурчак тўлқинсимон шаклдаги ҳўшилар коса гардишини ташқи томондан безаб турибди. Босма безак усти ташқи тарафдан тўқ яшил тусдаги сир билан қопланган. Дастлаб бу рангдаги сиркор буюмлар металл идишларга тақдирланган. Шу тариқа IX асрда термизлик кулол усталар томонидан сиркор идишлар ясаётган технологияси ўзлаштирилиб, кейинчалик тараққий этиб борди.

Бугунги кунда Термиз археология музейидан ўрин олган қўллаб-қўстатилган орасида араб ёзуви сиркор лаган бўлагининг аҳамияти катта. Шеробод тумани Дабилўғрондан топилган мазкур топилма X-XI асрларга оиддир. Лаганнинг бир қисми сақланган бўлиб, тўқ малла рангда араб алифбосида битилган. Унда қуйидаги ҳарфлар сақланган "ал", "лом", "қоф", "ба", "во", "лом", "хе", "мим", "ба", афсуски, лаганнинг бошқа қисми йўқ.

Шунингдек, сир бериш чироқларга ҳам кўчган. Ана шундай чироқлардан бирининг ранги сарғиш тусда бўлиб, унинг балдоқ қисми сақланиб қолмаган, юзаси яшил бўёқ ёрдамида сирланган, деворнинг озгина жойи емирилган, оғиз қисми кичикроқ қилиб ясалган.

Раҳим ХУДОЙБЕРДИЕВ, А.БОБОХОДЖАЕВ, Термиз археология музейи ходимлари

Тадбир

“Чаққон келинлар”



Фаргона вилояти Қува туман ҳокимлиги, маданият бўлими, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими билан ҳамкорликда тумандаги МФИлар ҳудудида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб маданият-маърифий тадбирлар уюштирилди.

5 март куни эса Беғат қишлоғида “Чаққон келинлар” кўрик-танлови

ташkil этилди. Унга маҳалла фаоллари ва ёш келинлар таклиф қилинди. Тадбирни Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими мудирининг биринчи ўринбосари М.Аҳмадалиева очиб берди. Танлов иштирокчилари миллий таом – “палов” тайёрлашди ва ҳақамлар ҳайъати томонидан адолатли баҳолаб борилди. Туман мада-

ният маркази қошидаги “Анор” ашула ва рақс халқ ансамбли иштирокчилари ўзларининг дилрабо кўшиқ ва рақсларидан тузилган дастурлари билан қатнашишди. Фаоллар ҳомий ва ташкилотчилар томонидан faxрий ёрлик ҳамда 100 минг сум пул мукофоти билан тақдирландилар.

С.Ақбарова, Туман маданият маркази мутахассиси

Халқаро алоқалар

Туркия билан маданий ҳамкорлик



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган ўртасида шу йилнинг 19-20 февраль кунлари ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланган эди. Бу икки миллатнинг дини ва тили, қадриятлари, қарашлари бир-бирига ўхшаш. Эндиликда икки давлат ўртасида турли соҳаларда алоқалар ўрнатилади. Мазкур ишларнинг давоми сифатида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига 5 март куни Туркия Республикасидан Арслан Акинжи, Ўзбекистондаги Туркия элчихонаси маданият ва таълим масалалари вакили Али Эйюпхўжа ташриф буюришди. Институт ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш бўйича қатор тақдирлар ўртага ташланди.

Жумладан, таълимда инновацион лойиҳалар бўйича ҳамкорлик, маданият ва санъат бошқарувида кадрлар алмашинуви, профессор-ўқитувчилар ҳамда малакали мутахассисларнинг маҳорат дарсларини ташкил этиш, ўзаро ҳаммуаллифликда спектакль ва фильмлар яратиш, шунингдек, илмий-тадқиқот ишларида ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш муносабатлари келишиб олинди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Матбуот хизмати

Халқаро алоқалар



Она юртнинг мард ўғлонлари

Қува туман ҳокимлиги ташаббуси билан Аҳмад ал-Фарғоний мажмуасида юрт ўғлонларини ҳарбий хизматга кузатиш маросими ўтказилди.

Тадбирда туман мудофаа бўлими, Маҳалла жамғармаси, “Нуроний” жамғармаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман кенгаши, туман маданият бўлими, туман ХТБ ҳамда Темурбеклар мактаби ўқувчилари иштирок этишди. Хизматга юборилаётган йигитларимизга ўз юртига садоқатли бўлишлик, ҳар жойда Ватан шайни ҳимоялаш тўғрисида маърузалар ўқиб эшиттирилди. Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши томонидан эсдалик совғалари берилди. Бўлажак аскарларнинг оналари ҳам ватанга садоқат билан хизмат қилишларини айтиб, дуога қўл очдилар.

С.Ақбарова, Қува туман маданият марказ мутахассиси

Наврўз эшик қоқмоқда



“Янги кун” тарихи

Ҳар бир миллат аждодларидан ўтиб келувчи миллий ва муқаддас байрамига эга. Унга ўлкада бир вақтлар муқим яшаган элатлар, улусларнинг урф-одати, қадриятлари сингиб кетган бўлади. Айём миллатнинг ўзлигини, ўзига хос жиҳатларини кўрсатади. Шундай улғу байрамлардан бири бу – Наврўз. Унинг пайдо бўлиши Ер юзиде деҳқончиликнинг бошланиши билан боғлиқ деган тахминлар бор. Фирдавсий байрамнинг келиб чиқишини Жамшид, Каюмар ва яна бир нечта форс шоҳлари номи билан боғлайди. Далилларга таянсақ, Наврўз бундан 3000 йил муқаддам байрам сифатида дунёга келган. У нафақат Ўзбекистонда, балки Эрон, Афғонистон, Ироқ, Курдистон, Хиндистон, Македония ва бошқа давлатларда ҳам оммавий нишонланади. Яна бошқа манбалар Наврўз тарихи миллоддан аввалги VII асрга бориб тақалишини кўрсатади. Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да байрам ҳақида маълумотлар бор. Афсоналарга кўра, Наврўз пайғамбар «Заратуштра» номи билан боғлиқ, «Авесто»да айтилишича, ҳар баҳорда одамлар «олти неъмат» – ер, осмон, сув, ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамзод пайдо бўлган кунни нишонлашлари керак. Араблар миллодий VII асрда Ўрта Осиёга бостириб келгунга қадар бу байрам амалда бўлган. Улар истилосидан сўнг тақиланган. Ҳозирги кунда МДХ мамлакатлари

рида Наврўз таттарлар, казаклар, бошқирлар, тожиклар, қozoқлар, қирғизлар, ўзбеклар ва бошқа кўплаб халқлар томонидан миллий байрам сифатида нишонланади. Унинг номи мамлакат ёки миллат тилига қараб турлича талаффуз қилинади – Науруз, Новруз, Наурыз, Нуруз, Наврўз каби. У форсчадан таржима қилинганда «янги кун» деган маънони англатади. 21 март куни Эронда, Ўрта Осиё ва Кавказ республикаларида, 22 март куни эса Қozoғистонда нишонланади. Наврўз «бахай» тақвими бўйича йилнинг бошланиши ҳисобланади. Байрам минтақаларга қараб турлича, уч, беш ва undan ортиқ кун давом этади. Қадим замонларда Наврўз 13 кун нишонланиб, айём якунида одамлар йил бошини нишонлаш учун майдонга чиқишган. Анъанага кўра, байрам дастурхонига «С» ҳарфи билан бошланувчи таомлар тортилган. Булар: сям-ян (унган донлар), сер (саримсоқ), себ (олма), сипанд (исмалок), сонжит (зайтун), цирко (сирка).

Наврўз байрамида ҳар хил халқ ўйинлари ҳам ўйналади. Мисол учун, юртимизда кўпқари, кураш, Қирғизистонда от пойғала-

ри, Афғонистонда турлича спорт ўйинлари...

Наврўз нишонланганидан 21 мартда кун билан тун тенглашади ва шунинг учун йилбоши деб қаралади. Ушбу кунда байрам таомни сумалак қайнатилади. Уни пишириш жараёни ҳам ўзига хос қизгинлик билан ўтади. Маҳалла аёллари ва йиғилганлар бирма-бир қозонда тайёр бўлаётган таомни кўзгашиди ва бу эрталабча давом этади. Унинг атрофида доира чертиб турли хил лапар, кўшиқлар айтилади.

Ҳар йили тантанали нишонланганидан айём Ўзбекистонликларнинг ҳам миллий байрами ҳисобланади. Унда Ўрта Осиёда яшаган қадимий элатларнинг урф-одати, руҳи мужассам. Наврўз 2009 йилда ЮНЕСКОнинг номдодий маданий мерос рўйхатига киритилган бўлиб, 2010 йил 21 март БМТ Бош Ассамблеясининг «Халқаро кун» деб эълон қилинган.

Бибихамол Ҳайдарова

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева

Тахририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асослар муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 8733 Буюртма - Г - 327
Сотувда келишилган нархда Қoғoз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета «Шарқ» наشريят-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 23.50
Топширилди - 23.50
1 2 3 4 5 6